O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KUTUBXONASI
INV.№

ВАТАНПАРВАР

УЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МУДОФАА ВАЗИРЛИГИНИНГ МАРКАЗИЙ МАТБУОТ ОРГАНИ

● 2000 йил, 29 январь, шанба № 13 (1277). ● Сотувда эркин нархда.
Газета 1992 йилнинг 24 июнидан чиқа бошлаган.

ЦЕНТРАЛЬНЫЙ ПЕЧАТНЫЙ ОРГАН МИНИСТЕРСТВА ОБОРОНЫ РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН

● Суббота, 29 января, 2000 г. № 13 (1277). ● В розницу — цена свободная.
Газета издается с 24 июня 1992 г.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИГА «ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ» МАҚОМИНИ БЕРИШ ТЎҒРИСИДА

Ватан ва миллат тараққиёти йўлида фидойилик кўрсатган жадид зиёлиларимизнинг буюк хизматларини эътироф этиш, тарихий ҳақиқатни тиклаш, ёшлар қалбида истиқлол ғояларига садоқат туйғуларини тарбиялаш, умумinsoniy ва миллий илм-фан қадриятларини авлодлар онгига теран сингдириш, Тошкент Давлат университетининг азалий юксак мавқеини ўз жойига қўйиш, Кадрлар тайёрлаш миллий дастурида белгиланган вазифаларни амалга ошириш мақсадида:

1. Тошкент Давлат университети, Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Фан ва техника давлат қўмитаси, маърифатпарварлар ва тарихчилар жамиятлари, мустамлакачилик даври қурбонлари хотирасини абадийлаштириш бўйича жамоатчилик комиссияси ва бошқа бир қанча жамоат ташкилотларининг тарихий ҳужжатларга асосланган хулоса ҳамда таклифларини инобатга олиб, Мирзо Улуғбек номидаги Тошкент Давлат университетининг асосчилари жадид зиёлилари, унинг ташкил этилган санаси эса 1918 йил 12 май деб белгилансин.

2. Тошкент Давлат университетининг нафақат республикамизда, балки минтақамизда ҳам биринчи замонавий олий таълим муассасаси эканини, олимлар ва ўқитувчилар жамоасининг фан ва таълим соҳасидаги юксак салоҳиятини, Ўрта Осиё давлатларида таълим ва илмий-тадқиқот тизимини шакллантиришдаги муҳим ўрни ҳамда халқаро нуфузини назарда тутган ҳолда унга «Миллий университет» мақоми берилсин ва у Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети деб аталсин.

3. Қуйидагилар Ўзбекистон Миллий университетининг асосий вазифалари этиб белгилансин:

ёшлар қалбида истиқлол ғояларига садоқат, ватанпарварлик ва фидойилик туйғуларини камол топтириш, уларни мустабид тузум йилларида қатағон қилинган фидойи ватандошларимиз хотирасига ҳурмат-эҳтиром руҳида тарбиялаш, халқимизнинг беқиёс илмий-маданий меросини чуқур ўрганиш;

жамиятнинг илмий-маданий салоҳиятини юксалтириш, аҳоли ўртасида илмий қадриятларни тарғиб қилиш, ёшларнинг маънавий-маърифий савиясини ошириш;

Миллий университет таълим тизимини илғор илм-фан ютуқлари асосида такомиллаштириш, мамлакатимиздаги барча университетлар учун ўқув, илмий-услубий, маънавий-маърифий масалалар юзасидан таянч ҳамда етакчи олий таълим муассасаси сифатида фаолият кўрсатишига эришиш;

жаҳон андозаларига мос фундаментал тадқиқотлар олиб бориш, фаннинг муҳим соҳалари бўйича янги илмий мактабларни шакллантириш ва улар фаолиятининг давомийлигини таъминлаш, ривожланган мамлакатларнинг университетлари билан илм-фан ва олий таълим соҳасида ўзаро тенг манфаатли ҳамкорликни янада кенг йўлга қўйиш.

4. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси бир ой муддат ичида мазкур Фармоннинг бажарилиши юзасидан тегишли қарор қабул қилсин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти
И. КАРИМОВ.

Тошкент шаҳри,
2000 йил 28 январь.

МУКОФОТЛАР ТОПШИРИЛДИ

Мустақиллик йилларида Ўзбекистоннинг шиддат билан ривожланиб борини, турли жабҳаларда қўлаб ютуқларни қўлга киритиши ва халқаро майдонда ўзининг муносиб ўрнини эгаллашида мамлакатимизда фаолият кўрсатаётган хорижий давлатлар дипломатларининг ҳам ўзига хос ҳиссаси бор. Яқинда Президент Ислом Каримов Фармонига биноан, Ўзбекистон билан сиёсий, иқтисодий, маданий, гуманитар ва бошқа соҳалардаги кўп томонлама ҳамкорликни ривожлантиришга қўшган улкан ҳиссаси, бу йўлдаги масъулиятли хизмати ва самарали меҳнати учун қатор давлатларнинг мамлакатимиздаги элчилари «Дўстлик» ордени билан тақдирланган эди. 28 январь куни Оқсарой қароргоҳида Президентимиз АҚШ, Буюк Британия, Германия, Исроил, Жанубий Корея, Миср, Туркия, Франция, Хитой ва Японияниг Ўзбекистондаги Фавқулодда ва мухтор элчиларига ана шу юксак мукофотларни тантанали равишда топширди.

Ислом Каримов бу юксак мукофотлар дипломатларнинг халқларимиз ва мамлакатларимиз ўртасидаги муносабатларни ҳар томонлама ривожлантириш, сиёсий, иқтисодий ва гуманитар соҳаларда кўп қиррали ҳамкорликни мустаҳкамлаш, Ўзбекистоннинг демократия ва бозор иқтисодиёти тамойилларига асосланган ислоҳотлар йўлидан жадал одимлаши ва иқтисодий салоҳияти ошиши учун муайян лойиҳаларни амалга ошириш, миллатлар ўртасида дўстлик ва бир-бирига ишонч туйғуларини мустаҳкамлашга қўшган улкан ҳиссалари учун тақдим этилаётганини таъкидлади.

Ўзбекистон Президенти элчилар ўз мамлакати сиёсатининг ижрочилари эканлигини, бу сиёсат эса ўша давлатларнинг манфаатлари ва Ўзбекистонга муносабатини ўзида мужассам этганлигини яхши тушунишини айтди. Лекин сизнинг хизматингиз фақат ўша сиёсатнинг ижро этувчиси эканлигингиз учунгина эмас, балки айни пайтда унинг шакллантирувчиси ҳам бўлганликларингиз учун улкан хизмат саналади. Кўп ўзгаришлар сизнинг кучгайратингизга, шижоату матонатингизга боғлиқ, деди Ислом Каримов.

Президентимиз элчиларнинг оддий инсон сифатида мамлакатимиз ва халқимизга қандай муносабатда бўлаётгани, тарихимиз, маданиятимиз ва одамларимиз менталитетига қай даражада тушуниш ва ҳурмат билан қарашига ҳам кўп нарса боғлиқ эканлигини ва Ўзбекистон аҳли дипломатларнинг юртимизга ва халқимизга эҳтиромини юксак қадрлашини таъкидлади.

Маросимда сўз олган Франция элчиси Жан-Клод Ришар эндиликда «Дўстлик» ордени уни янада кўпроқ ва самаралироқ ишлашга ундашини таъкидлади. Унинг асосан ўзбек тилида сўзлагани ва Ўзбекистонга равнақ, Ўзбекистон-Франция муносабатларига ривож тилагани йиғилганларда катта таассурот қолдирди.

Бундай юксак мукофот шараф ва ифтихор бағишлашини қайд этган туркиялик дипломат Умур Апайдин мамлакатимиз эришаётган ютуқлар Туркия халқининг ҳам ғурурини оширишини айтди. Туркия Ўзбекистонни ҳар томонлама қўллаб қувватлаш, кўмаклашишда давом этаверади, деди у.

Миср элчиси Мамдуҳ Шавқий ўз мамлакати халқи ва ҳукумати номидан юксак мукофот учун Президентимизга самимий миннатдорлик билдирар экан, фаолияти давомида икки давлат дипломатлари учун Мисрда ҳам, Ўзбекистонда ҳам ишлаш анча қулай, деган хулосага келганини айтди. Бу мамлакатларимиз ва халқларимизнинг муштарак жиҳатлари кўплигидандир, деди у. Айниқса, мазкур орден ўзаро муносабатларимизни янада мустаҳкамлаш ва ривожлантиришга хизмат қилади.

Япония ҳамда Жанубий Корея элчилари ва шахсан ўз номидан миннатдорлик билдирган Хитой элчиси Ли Цзинсян, бу мукофот нафақат ўзимизга, балки бизга шарафли ва масъулиятли вазифани юклаб, бу ерга вакил қилиб юборган мамлакатларимизга, халқларимизга ҳам тегишли деб ҳисоблаймиз, деди. У юксак нишон билан мукофотланган ҳамкасбларини қутлар экан, Ўзбекистон раҳбариятини ишонтириб айтамизки, «Дўстлик»ка муносиб бўламиз ва бундан буён ҳам икки томонлама алоқалар ривожи учун бор куч-ғайратимизни сарфлайверамиз, деди.

(ЎзА).

ОҚСАРОЙДА ҚАБУЛ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 28 январь куни Оқсарой қарорғоҳида «Кейс-Нью ҳолланд» корпорацияси директорлар кенгашининг раиси Жан Пьер Россо раҳбарлигидаги делегация аъзоларини қабул қилди.

Мамлакатимиз раҳбари меҳмонларни юртимизга ташрифи билан қутлар экан, мазкур корпорация Ўзбекистоннинг ишончли шериклиридан бири эканлигини таъкидлади.

— «Кейс-Нью ҳолланд» қишлоқ хўжалиги техникаси ишлаб чиқариш бўйича дунёда биринчи, қурилиш техникаси ишлаб чиқариш бўйича учинчи ўринда туради,— деди Ислом Каримов учрашувда.— Бизга бундай корпорация билан ҳамкорлик қилиш мамнуният бахш этади.

Айни пайтда Ўзбекистонда ушбу корпорация билан ҳамкорликда тўртта қўшма корхона очилган. «Ўзкейсмаш» корхонасида 1997—1999 йилларда 500 га яқин «Кейс-2022» русумли пахта териш машинаси йиғилган бўлса, «Ўзкейстрактор» корхонасидан ўтган йили 200 дан зиёд «МХ-135» русумли трактор чиқди. «Ўзкейссервис» корхонаси техникавий хизмат кўрсатиш билан шуғулланади. Мамлакатимизнинг барча вилоятларида унинг марказлари бор. Корхона зарур асбоб-ускуналар билан жиҳозланган махсус автомобиллар ёрдамида кўчма хизмат кўрсатишни ҳам ташкил этган. «Ўзкейсагролизинг» эса ўтган йили 35 та шоли ўриш комбайнини импорт қилиб, маҳаллий хўжаликларга лизингга берди.

Суҳбат чоғида икки томонлама алоқаларни янада ривожлантириш, ҳамкорликнинг самарадорлигини ошириш масалалари юзасидан фикр алмашилди.

(ЎзА).

ОЗОД ЮРТ ПОСБОНЛАРИ

УРОКИ БДИТЕЛЬНОСТИ

В нашем воинском коллективе особое внимание уделяется вопросам повышения бдительности личного состава.

Прошлой осенью я был призван в ряды Вооруженных Сил Мирабадским РОДО столицы и направлен для прохождения действительной срочной службы в отдаленный гарнизон. После адаптации и принятия Военной присяги нас, новобранцев, тоже стали ставить в наряды. И если кто-то из моих сослуживцев мог несерьезно воспринять требования о бдительности и боевой настороженности, ташкентским парням, пережившим известные февральские события, не было необходимости напоминать об этом. В простой и доходчивой форме, по просьбам командиров, разъясняли свои впечатления товарищам.

У меня очень мирная профессия — закончил Международную эколого-гуманитарную академию (МЭГА), готовлюсь в качестве дипломированного специалиста трудиться по охране окружающей природы. Но как сын военного (у меня папа — майор в отставке) понимаю, что для этого нужно обеспечить надежную защиту Родины, мир и покой в независимом Узбекистане.

Помню об этом при каждом заступлении в караул, на каждом занятии зимней боевой учебы, стремлюсь стать всесторонне развитым воином.

Рядовой А. ДОРОФЕЕВ.

УРГУТЛИК БАҲОДИР

Ургутлик сержант Шухрат Ҳақбердиев «АГС-17» бўйича расчёт командири сифатида ўз билим ва малакасини илмга чанқоқ, тиришқоқ жангчиларга ўргатмоқда. Дала-ўқув машқларида унинг қўл остидаги посбонлар юқори кўрсаткичларга эришган ҳолда, қадрдон жамоаларининг пешқадамлигини таъминлаш учун ҳаракат қилмоқдалар.

Сержант Ҳақбердиев қўл жанги бўйича ҳам моҳир мураббийдир. Зеро у шахсий таркибга кураш усулларини ўргатиш ва машқ қилдириш борасида самарали ишламоқда. Бугунги кунда унинг Мурод Жўраев, Нодир Жалилов, Азим Мадазимов каби шогирдлари ўз эгаллаган тажрибаларни бошқаларга ўргатишмоқда.

— Мен оддий аскарлик чоғимда фидойи устозларим каби азиз юртимизнинг муносиб ҳимоячиси бўлишни ният қилгандим, — дейди Шухрат. — Ана шу эзгу мақсад йўлида хизмат қилаётганимдан бахтиёрман. Хозир эса Тошкент олий умумқўшин қўмондонлик билим юртига ўқишга кириш учун ҳозирлик кўраяпман.

Прапорщик Ҳ. ҚОДИРОВ.



БАРКАМОЛ САРДОР

Илгор бўлинма командирининг шахсий таркиб билан ишлаш бўйича ўринбосари капитан Муроджон Бойжигитов бу даражага эришгунга қадар ҳарбий хизматнинг кўп синовларидан ўтди. У Тошкент олий умумқўшин қўмондонлик билим юртидаги курсантлик давридаёқ армиянинг ўзига хос машақкатларини бошидан кечирди.

Ахир барча фанларни «аъло» баҳоларга ўзлаштириш, турли машғулотларда ҳам маънавий, ҳам жисмоний жиҳатдан чиниқиш, масъулиятли топшириқларни қойилмақом уддалаш осон иш эмас. Лекин қатъиятли йигит қийинчиликларни мардонавор енгиб, ўқишни кўнгилдагидек тамомлади. Ҳа, Муроджон ёшликнинг бутун жисмоний ва ақлий кучга тўлган энг фусункор палласида илк офицерлик унвонига сазовор бўлди.

Қисмга келгач, ўз хизмат фаолиятини рота командирининг шахсий таркиб билан ишлаш бўйича ўринбосари лавозимида бошлади. Аввалига бажараётган ишларидан ўзи қониқиш ҳосил қилмай юрди. Бундай мураккаб вазиятдан чиқиб, самарали хизмат қилишга астойдил бел боғлаши учун унга тажрибали офицерлар яқиндан ёрдам бердилар. Муроджон ўз устида ишлашдан толиқмади, аксинча ҳар бир хатти-ҳаракатини таҳлил қилишга одатланди. Қўлга киритган илк ижобий натижалар ҳамда шогирдларининг ютуқларидан эса қувонди. Шу тақлидда ёш офицер бутун вужуди билан ўз хизмат бурчини муносиб ўташга шўнгиб кетди.

Ҳозирда капитан Бойжигитов қисмдаги ҳурмат-эътибор қозонган маҳоратли командирлардан бири. Зеро, унинг қўл остида таълим-тарбия олаётган жангчилар она-Ватан олдидаги Конституциявий бурчини ёруғ юз билан ўташмоқда. Уларнинг 14 январь — Ватан ҳимоячилари куни муносабати билан муносиб тақдирланиши ҳам бежиз эмас, албатта.

— Истиқлол барча тенгқурларим қатори менга ҳам замонавий билимларнинг бой хазинасини тасарруф этишликка, олий даражали мутахассис, қолаверса, мамлакатимизнинг ҳақиқий ватанпарвари бўлишга беқиёс имкониятларни муҳайё этди. Эндиликда эса шу мўътабар юрт, унинг олижаноб халқи манфаати йўлида фидокорона хизмат қилиш биз — ҳарбийлар учун юксак шарафдир, — дейди Муроджон.

Катта лейтенант Ш. ҲОШИМОВ, «Ватанпарвар» мухбири.
В. СУЧКОВ олган сурат.

НА УСПЕХ МОЖНО РАССЧИТЫВАТЬ

Позади почти два месяца зимней боевой учебы. Как потрудились воины, чего добились, с какими трудностями столкнулись? Об этом шла речь на общем собрании личного состава подразделения, которым командует лейтенант Т. Мамадалиев. Состоялся заинтересованный разговор о делах и планах коллектива, о стремлении воинов идти вперед, добиваться лучших результатов.

Участники собрания проанализировали свои успехи в боевой учебе и службе, остановились на имеющихся недостатках. Вели разговор о том, как будут трудиться в дальнейшем, какие резервы использовать для повышения боевой готовности подразделения.

Еще в начале учебного года многие воины наметили конкретные рубежи в соревновании на зимний период обучения. Так, солдаты осеннего призыва рядовые А. Кадыров, Д. Сейткамалов, А. Султанов и другие особое внимание решили обратить на отличное овладение своей специальностью, получение классности, рост спортивного мастерства. И много в достижении намеченной цели они уже добились. Во всех делах новобранцы являются примером для солдат своего призыва.

Эти воины выступили на собрании, рассказали, как и с помощью кого идут к вершинам ратного мастерства, призвали своих сослуживцев рационально использовать учебное время, добиваться новых успехов в боевой и общественно - политической подготовках.

Несколько солдат осеннего призыва заявили в ходе собрания, что пока они не могут обещать успешно выполнять все упражнения по физической подготовке. Это и понятно: не каждый может на первых порах правильно рассчитывать на свои силы и возможности. Командир подразделения и сослуживцы посоветовали им большую часть свободного времени проводить в спортгородке, серьезнее заниматься отработкой отдельных элементов сложных упражнений.

С отстающими по физподготовке было решено проводить дополнительные занятия и тренировки. А в помощь этим воинам были назначены лучшие спортсмены — рядовые А. Хамиджанов, Р. Гайнулин, В. Веселкин. Так что на успех можно рассчитывать!

С интересом были выслушаны выступления воинов старших призывов. Они высказались о своей решимости до конца зимнего периода обучения овладеть смежными специальностями, повысить классность по основным. Рядовые Д. Мирзаев, А. Раджабов и другие намерены активно участвовать в рационализаторской работе, оказывать помощь товарищам.

Выступивший на собрании командир отделения сержант О. Ачилов призвал младших командиров больше внимания уделять организации индивидуальной работы с подчиненными. Ведь от этого, как считает он, во многом зависит повышение боеготовности подразделения. Сам же сержант О. Ачилов конкретно работает с каждым воином. И не случайно его отделение считается лучшим.

В успехах подразделения велика роль и самого лейтенанта Т. Мамадалиева. Он постоянно ориентирует младших командиров на то, чтобы они своевременно и четко подводили итоги каждой учебной задачи, сравнивали достигнутые воинами результаты в соревновании с предшествующими. Поэтому-то здесь все солдаты знают об успехах и недостатках друг друга. Это побуждает их равняться на передовиков, помогать отстающим. Все полны стремления добросовестно относиться к делу и в дальнейшем.

В заключение собрания его участники приняли решение, направленное на успешное выполнение задач, поставленных перед коллективом в зимнем периоде обучения.

Б. САИДОВ.

САЙЁРАМИЗ АДОСИ

ОЛМАОТА. Қозоғистонда Туркистон шаҳрининг 1500 йиллигини нишонлашга тайёргарлик давом этмоқда.

Ушбу санани нишонлаш бўйича комиссия аъзоси Мурот Журиновнинг таъкидлашича, тантана шу йил октябрь ойида ўтказилиши режалаштирилмоқда. Юбилей тантанаси Туркистондаги Хожи Аҳмад Яссавий номидаги Қозоғистон-Туркия университетида ўтказилади.

ДЕҲЛИ. Ҳиндистон ҳукумати «Индиан эйрлайнз» миллий авиакомпаниясини хусусийлаштириш тўғрисида қарор қабул қилди. Қарорда компаниянинг давлатга қарашли 51 фоиз акциясини сотиш кўзда тутилган. Жумладан, 26 фоиз акция қўшма корхоналар ёки стратегик ҳамкорларга, қолган фоизи эса компания ишчилари ва мамлакатдаги молиявий муассасаларга сотилади.

«Индиан эйрлайнз» 1953 йилда ташкил этилган. Айни пайтда «Индиан эйрлайнз»нинг 56 та самолёти бўлиб, 13 та хорижий мамлакатга ҳаво қатновини амалга оширмоқда.

МОСКВА. РАТА-ТАСС ахборот маҳкамаси хабарига кўра, 1999 йил декабрь ойида халқаро экстремистик ташкилотлар Чеченистондаги жангариларга 4,5 миллион АҚШ доллари миқдорида маблағ ажратиб берган. Россия қуролли кучлари бош штаби бошлиғининг биринчи ўринбосари Валерий Манилов шуни маълум қилди.

Унинг айтишича, террорчи Ҳаттоб «мусулмон биродарлар» бутун жаҳон лигасининг Чеченистондаги вакили ҳисобланади. АҚШ, Европа, Яқин ва Ўрта Шарқдаги экстремистик ташкилотлардан Ҳаттоб ва Басаевга катта миқдордаги молиявий ёрдам келиб турибди.

Россия мудофаа вазирлигининг маълумотига кўра, айни пайтда халқаро экстремистик ташкилотлар Афғонистон, Буюк Британия, Франция ва бошқа мамлакатлар ҳудудларидаги лагерларда террорчиларни тайёрлаш ишларини амалга оширмоқда. Жумладан, халқаро террорчи Усама Бин Ладен турли миллатга мансуб 5 минг нафар жангари тайёрлаб, Чеченистондаги жанговар ҳаракатларга юборишни режалаштирган.

МЕХИКО. Мексика қирғоқ қўриқчилари мамлакатнинг балиқ овлайдиган «Валерия» кемасини текширувдан ўтказиш чоғида 5,5 тонна коканини мусодара қилди. Шунингдек, кемадаги 6 нафар киши ҳибсга олинди. Айни пайтда ушбу жиноий иш устидан тергов олиб борилмоқда.

АНҚАРА. Туркия ҳукумати узоқ йиллардан буён орқага суриб келинаётган Дарданелли бўғози орқали кўприк қуриш лойиҳасини амалга оширишга қарор қилди. Лойиҳанинг қиймати 400 миллион АҚШ долларига тенг.

Айни пайтда мазкур лойиҳани амалга ошириш мақсадида Туркия ҳукумати маҳаллий ва хорижий сармоядорлар ҳамда қурилиш соҳасида фаолият кўрсатаётган фирмалар раҳбарлари билан музокараларни бошлаб юборган.

БАЙРУТ. Ливан бош прокурори янги йилнинг биринчи кунларида мамлакат шимолида оммавий тартибсизликлар уюштиришда фаоллик кўрсатган 17 нафар ислом экстремистига айблов эълон қилди. Айбловда айтилишича, ушбу гуруҳ Ливан миллий хавфсизлигига таҳдид қилиш, жамиятдаги барқарорликни бузишга уриниш, тинч аҳоли вакиллари ва бир аскарни ўлдиришда жавобгардир.

Январь ойининг бошларида «Такфир» ва «Ҳижра» экстремистик гуруҳлари томонидан оммавий тартибсизликлар уюштирилиши оқибатида қирққа яқин, жумладан, 11 нафар ҳарбий хизматчи ҳалок бўлган эди.

ИСЛОМОБОД. Кашмир айирмачиларининг қолвий раҳбари Аҳҳар Масъуд Исломободдаги масжиддардан бирида намозхонлар олдида ваъз ўқиб, уларни Кашмир учун «муқаддас уруш» бошлашга чақирди. У ўзининг 600 минг тарафдори курашга отлана олишини таъкидлади.

Аҳҳар Масъуд ўтган йилнинг декабрь ойи охирида Ҳиндистон самолётини гаровга олган террорчилар талабига биноан ҳибсдан озод этилган Кашмир айирмачиларининг уч нафар етакчиларидан биридир.

ДАМАШҚ. Исроил ҳукумати ўз қўшинларини Жўлон тепаликларидан бутунлай олиб чиқиб кетиш мажбуриятини олмаса, Сурия томони бу давлат билан тинчлик музокараларини давом эттирмайди. Сурия ташқи сиёсат маҳкамаси раҳбари Фаруҳ Шараа шундай деди. Шунга қарамай, мамлакатимиз халқаро ҳуқуқий ҳужжатлар ҳамда «ер эвазига тинчлик» тамойилига риоя қилиб, Яқин Шарқда одил ва ялпи тинчлик ўрнатилиши тарафдоридир, деди у.

НЬЮ-ЙОРК. БМТ бош котиби Кофи Аннан швед дипломати Ханс Бликс ушбу ташкилотнинг Ироқ оммавий қирғин қуролларини йўқотиш жараёнини кузатиш, назорат қилиш ва текшириш комиссияси раҳбари этиб тайинланганини расман эълон қилди. Бош котиб номидан тарқатилган баёнотда айтилишича, Х. Бликснинг номзоди хавфсизлик кенгаши томонидан тасдиқланган.

71 ёшли Х. Бликс истеъфога чиққунча, яъни 1997 йилгача 16 йил давомида атом энергетикаси бўйича халқаро агентликка (МАГАТЭ) раҳбарлик қилган.

СИДНЕЙ. Австралиянинг Квинсленд штатида тўрт кундан буён давом этаётган жазирама иссиқдан 22 киши нобуд бўлди. Уларнинг кўпчилиги қариялардир. Шунингдек, юзга яқин киши касалхоналарга ётқизилган. Мутахассисларнинг аниқлашича, ҳавонинг иссиқлиги ҳозир 41 даражага етган.

ТАЛЛИН. Эстония ҳукумати мамлакат Европа Иттифоқига (ЕИ) қабул қилинишига қадар, яъни 2002 йилгача ЕИнинг умумий пул бирлиги — еврони муомалага киритишни режалаштирмоқда. Шу мақсадда махсус ишчи гуруҳи тузилди. Бу гуруҳ, асосан, евро ўтишининг ижобий ва салбий томонларини ўрганиш билан шуғулланади.

БУХАРЕСТ. Руминияда мактаб ўқитувчилари оммавий равишда тўрт кунлик иш ташлаш эълон қилди. Касаба уюшмалари ташаббуси билан ўтказилаётган мазкур намойишда ўқитувчилар ўз иш ҳақлари ва давлат бюджетидан халқ таълими учун ажратилаётган маблағни оширишни талаб қилмоқда.

(ЎзА).

ИХ НАГРАДИЛА РОДИНА

ОПИРАЯСЬ НА ПРОФЕССИОНАЛОВ

У капитана Фахриддина Алимова очень ответственная и хлопотная должность — он командир батальона учебного вооружения и техники (БУВИТ). В учебной части, готовящей для Вооруженных Сил младших командиров и специалистов, данное подразделение — одно из ключевых, от деятельности которого зависит успех всего процесса боевой учебы личного состава.

Нелегкий ратный труд офицера по достоинству оценен Родиной высокой государственной наградой — медалью «Жасорат». И это вдохновило его на новые достижения — вот и в зимнем периоде обучения подразделение капитана Ф. Алимова является лидером соревнования в этом воинском коллективе.

Первая наша встреча с тогда еще старшим лейтенантом Ф. Алимовым состоялась несколько лет назад в учебном подразделении — будучи командиром части, полковник Е. Алимухамедов с гордостью представил своего подчиненного как командира лучшей учебной танковой роты. Но красноречивее всех лестных отзывов и рекомендаций стали тогда для меня действия курсантов его подразделения на огневом рубеже — на итоговой проверке рота выполняла упражнения по стрельбе из танка с ходу, что называется «образцово-показательно», вызвав одобрение у скупых на похвалу членов комиссии из вышестоящего штаба.

Постепенно, исподволь наращивал он опыт и методическое мастерство, как губка впитывая ценные советы наставников — полковника Ергешали Алимухамедова, чуть позже—полковника Касымали Ахмедова. Командирам импонировали его трудолюбие, самокритичное отношение к результатам своей работы, высокая требовательность к себе и подчиненному личному составу. А солдаты уважали ротного за то, что увлекал их личным примером — меткой стрельбой на полигоне, силой и ловкостью на спортивных снарядах, веселостью и находчивостью в часы развлечений на досуге.

Вот и в работе с отстающими воинами Фахриддин старался подать пример младшим командирам — вырабатывая индивидуальные рекомендации по каждому случаю, одновременно совершенствовал методику боевой учебы. И потому в тот момент, когда начальника штаба БУВИТ стало необходимо выдвигать на вышестоящую должность, у командира части полковника К. Ахмедова не было сомнений в кандидатуре преемника — конечно, старший лейтенант Ф. Алимов. При утверждении представления в вышестоящем штабе было засомневались — молодой, потянет ли. Но за годы отличной службы по окончании ЧВТКИУ Фахриддин не раз доказывал делом свой профессиональный рост.

Теперь уже никто не сомневается в правоте командирского выбора — о том, что молодой офицер доказал не по годам высокую зрелость, наглядно свидетельствовало назначение его командиром батальона, досрочное присвоение воинского звания капитан. Сам факт — выпускник училища всего за четыре года от командира взвода вырос до командира батальона — говорит о многом.

Однако еще во время пребывания начальником штаба Фахриддин успел уяснить для себя, что учебное подразделение и БУВИТ — это, как говорится, две большие разницы. Сложность здесь не в обучении личного состава: специфика данного подразделения такова, что основу его составляют офицеры, прапорщики и военнослужащие-контрактники, то есть профессионалы, при незначительной доле солдат срочной службы.

Здесь сложнее организация воспитательной работы и контроля за дисциплиной — в отличие от солдат срочной службы члены этого воинского коллектива немалую часть времени проводят вне части, в семьях. Вот и приходится командиру, помимо своих служебных задач по обеспечению качественного и бесперебойного учебного процесса, вникать в личные проблемы подчиненных. Допустим, заболел у инструктора ребенок, а у него завтра вождение — надо думать, кем его заменить.

— Это жизнь, никуда от нее не деться,— говорит капитан Ф. Алимов. — Зато я твердо знаю, что если у товарища случится беда — этот контрактник всегда заменит его.

С большой теплотой отозвался командир об инструкторах по вождению танка прапорщиках Холиёре Олтибаеве и Панжи Бозорове, старшем технике подразделения старшине по контракту Батыре Курбанмурадове, а из командиров подразделений отметил старшего лейтенанта Исраила Нишанбаева.

— Он у меня лучший, хотя все офицеры хорошо служат,— подчеркнул капитан Ф. Алимов в беседе.— Приятно видеть старание молодых лейтенантов — не все у них получается, но есть желание работать над собой. Наиболее способных выдвигаем на вышестоящие должности — из таких могу назвать лейтенанта Норбека Калдыбекова, рекомендованного нами с повышением в подразделение специального назначения.

Твердое убеждение капитана Ф. Алимова, если хотите, его жизненное кредо — нет плохих офицеров, а есть плохие командиры, не сумевшие найти нужного подхода к человеку. Такое вот вдумчивое, чуткое отношение к людям, их судьбам унаследовал Фахриддин от мамы. Мукаррам-опа, рано овдовев, одна поднимала троих сыновей, воспитав в них вместе с трудолюбием и эту тягу к справедливости, заботе о ближнем.

Конечно же, 1999 год станет памятным для него. Во-первых, благодаря высокой награде Родины в преддверии Дня защитников Родины. Во-вторых, рождением летом сына Фарруха. Ну, а третьим поводом для радости стала высокая оценка ратного труда коллектива учебной части по итогам летнего периода обучения —командир БУВИТ и здесь оказался на высоте.

Но время не стоит на месте — в разгаре уже зимний период обучения. Еженедельно собирая подчиненных на разбор каждых стрельб, вождений, выявляя лучших и отстающих, капитан Ф. Алимов уверенно держит курс на сохранение звания лучшего подразделения. Опираясь на профессионалов, передовой офицер неустанно трудится во имя укрепления оборонной мощи Родины, чтобы в XXI век независимый Узбекистан вошел с мобильными, хорошо обученными и оснащенными Вооруженными Силами.

Капитан А. КАМАЛОВ.

САМАРҚАНДНИНГ ШУНҚОРИ

Куннинг қайси вақти бўлишидан қатъи назар, телефон гўшагини кўтариб, исталган ҳарбий қисм ёки бўлима билан бирпасда боғланамиз. Бирпасда масалани ҳал этиб, кўнглимиз жойига тушади. Хўш, мушкулимизни ким осон этяпти? Албатта, алоқачилар-да. Бироқ, уларнинг заҳмати ҳақида кам ўйлаймиз. «Ахир бу алоқачиларнинг бурчи-ку», дея эътироз билдиришга шошманг.

Узоққа бориб ўтирмайлик. Шаҳар телефон алоқасини олинг. Гоҳида бирон танишингизга қўнгироқ қилиб, мутлақо бошқа бир жойга тушасиз. Масалан, менда шундай ҳоллар кўп бўлган. Гапнинг индаллосини айтганда, ҳарбий алоқа кечаю кундуз аниқ, бекаму кўст таъминланган. Таъкидлаш керак, бунинг ортида алоқачиларимизнинг катта хизматлари бор. Алоқа ускуналарини ўз вақтида кўздан кечириб туриш, зарур бўлса таъмирлаш натижасида ҳарбий алоқачиларимиз меҳнати ўз самарасини бермоқда.

Ўлмас 1996 йилда алоқачилар қисмига ҳарбий хизматни ўташ учун келди. Аскарлик ҳаёти давомида у алоқачилик касбини мукаммал эгаллаб олди. Муддатли ҳарбий хизмати ниҳоясига етай деб қолганида, ота-онасига маслаҳат солди. Ўғли, хизматни шартнома асосида давом эттириш хусусида. Яқинлари унинг бу ниятини қўллаб-қувватлашди. Хуллас, Самарқанд вилоятининг Пахтачи туманидан хизматга келган йигит ҳарбий соҳада ўз фаолиятини давом эттиришга қарор қилди.

Ҳозирда Ўлмас Ҳамроев катта сержант унвонига эга бўлиб, алоқа аппаратининг бошлиғи лавозимида хизмат қилаётир.

Янгиободда рўй берган машъум воқеаларни бартараф этишда катта сержант Ўлмас Ҳамроев ҳам фаол қатнашди. Шароит мураккаб, оғир бўлишига қарамасдан, Ўлмас алоқа тизимини мунтазам йўлга қўйишда жонбозлик кўрсатди. Бу борада Ўлмаснинг ўзидан сўраганимизда: «Мустақиллигимиз, тинч-осойишталигимиз душманларини алмайман. Ватанимни жоним билан, қоним билан бўлса-да ҳимоя қиламан, Ўйлайманки, мен бор-йўғи ўзимнинг фарзандлик бурчимни ado этдим», — деди.

Яқинда Қуролли Кучларимизнинг 8 йиллик тўйи катта тантана қилинди. Бу улкан байрамни шартнома бўйича хизмат катта сержанти Ўлмас Ҳамроевнинг кўл остидаги посбонлар ҳам жанговар ютуқлар туҳфаси билан қаршилашди. Кичик сержант Отабек Асқаров, оддий аскар Акром Сафоевларни ана шулар сирасига қўшса арзийди.

Ватан ҳимоячилари куни Янгиобод воқеаларини бартараф этишда фаол қатнашгани, жанговар хизматдаги улкан ютуқлари учун катта сержант Ўлмас Ҳамроевга Мудофаа вазирининг мукофоти топширилди.

Айни пайтда шартнома бўйича хизмат катта сержанти Ўлмас Ҳамроев қишки мавсум машғулотларида ўзининг интилиши, изланиши, муайян тажрибаси билан командирлари эътиборига тушаётир.

У ўзи билан доимо бирга олиб юрадиган ён дафтарчасига жорий йилги ўқув мавсумининг шиорини ўзига ташланадиган қилиб ёзиб қўйган. Иши билан сўзи бир йигит кундан-кунга жанговар шайлигини ошириб, жамоадошларига ўрнак бўлиб келмоқда.

Катта лейтенант А. САФАРОВ,
«Ватанпарвар» мухбири.

В. СУЧКОВ суратга олган.

Ҳарбий-сиёсий янгиликлар

ЖАНГАРИЛАР ТАЛАФОТИ

Хабарларга қараганда, Шимолий Кавказда террорчиларга қарши ўтказилган операциялар мобайнида 10 мингга яқин жангари йўқ қилинган. Россия Қуролли кучлари бош штаби бошлиғининг биринчи ўринбосари Валерий Манилов журналистлар билан учрашувда шуни маълум қилди.

Унинг айтишича, ушбу ҳарбий ҳаракатлар бошланмасдан аввал Чеченистонда тахминан 22—25 минг жангари бўлган. Доғистонни озод этиш чоғида 2 мингдан зиёд жангари қириб ташланган. Шунингдек, Грозний ва Чеченистон жанубидаги жанглар пайтида Россия ҳарбийлари томонидан 4 минг жангари йўқ қилинган.

КЎП ТОМОНЛАМА МУЗОКАРАЛАР

Келаси ҳафтада Москвада Яқин Шарқ масаласи бўйича ўтказиладиган кўп томонлама музокараларда Миср ҳукумати ҳам иштирок этади. Миср Араб Республикаси президенти Ҳусний Мубарак шундай деб баёнот берди.

Президентнинг таъкидлашича, бўлажак учрашувда Яқин Шарқни ядро қуролидан ҳоли зонага айлантириш масаласига жиддий эътибор қаратилиши лозим.

Сўнгги йилларда расмий Қоҳира Исроилнинг ядровий арсеналлари масаласи юзасидан бир неча марта ташвиш билдириб келмоқда. Бироқ, шунга қарамай, Исроил ҳукумати ядровий қуролларни тарқатмаслик тўғрисидаги шартномани ҳалигача имзолагани йўқ.

ИККИТА «ЗУБР»

Греция Россия ва Украинадан иккитадан «Зубр» русумли десант кемасини сотиб оладиган бўлди. Греция мазкур давлатларнинг қуроллар экспорт қилувчи идоралар раҳбарлари билан ушбу ҳарбий савдо тўғрисида шартнома имзолади.

ҲАРБИЙ ҲАМКОРЛИК

АҚШнинг 2,5 минг нафар ҳарбийси Филиппин қуролли кучлари билан ҳамкорликда машғулот ўтказади. Филиппиндаги Лусон ва Палаван ороллари ва Палаван ороллари ва Палаван ороллари

● ИСЛОҲОТ ҚИРРАЛАРИ

НАЗОРАТ САМАРАДОРЛИГИ

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1999 йил 30 март куни имзолаган Фармони биз ҳарбий юристлар учун тарихий воқеа бўлди. Мазкур ҳужжатга мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий прокуратурасининг тузилмаси буткул ўзгартирилди, гарнизон прокуратуралари ўрнида ҳудудий ҳарбий прокуратуралар тузилди. Ҳарбий прокуратура тизимини янада такомиллаштириш мақсадида Республика Бош прокурори томонидан «Ҳарбий прокуратура тўғрисида»ги Низом тасдиқланди. Мазкур Низомга кўра соҳанинг асосий йўналишлари, Қуролли Кучларда қонун устуворлигини таъминлаш борасидаги янги вазифалар белгиланди.

Мазкур вазифаларни бажариш Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг «Қонун устуворлигини таъминлашда прокуратура идораларининг умумий назорат фаолиятини ташкил этиш, унинг сифати ва самарадорлигини ошириш ҳақида»ги буйруғи талаблари асосида амалга оширилмоқда.

Ўтган 1999 йил мобайнида Ўзбекистон Республикаси ҳарбий прокуратураси умумий назорат бошқармаси ўз иш фаолиятини Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармонлари, ҳукумат қарорлари, Бош прокурорнинг, Мудофаа вазирининг ҳамда республика ҳарбий прокурорининг буйруқлари ва талабларидан келиб чиққан ҳолда ташкил қилиб, ҳарбий прокуратура назорати остидаги қўшинлар, ҳарбий қисмлар ва муассасаларда қонунчилик ва жиноятчилик аҳволини ҳисобга олган ҳолда олиб борди.

Асосий ҳаракат умумий назорат фаолияти самарадорлигини янада оширишга, ҳамма турдаги жиноятларга қарши курашни кескин кучайтиришга, ҳарбий хизматчиларнинг қонуний ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилди.

Ҳарбий прокуратура маҳкамаси ва ҳудудий ҳарбий прокуратуралар офицерлари Ўзбекистон Республикаси Президенти Девонининг республика Мудофаа вазирлиги, Давлат чегараларини ҳимоя қилувчи қўмита ва Ички қўшинлар ҳарбий қисмларида ҳарбий интизом аҳволи юзасидан берган топшириқларни бажариш, текшириш учун тузилган ишчи гуруҳлар таркибида қатнашдилар.

Умумий назорат бошқармаси ўз ишини ташкил этишда назоратнинг устувор соҳаларига ҳам, Қонунлар талабларининг бажарилиши, ҳарбий хизматчилар ўртасидаги Низом талабларининг бузилишига қарши кураш, ҳарбий мулк, қурол-аслаҳанинг сақланиши каби масалаларга ҳам чуқур эътибор берди. Шунингдек, ҳарбий хизматчиларнинг ҳарбий қисмлардан бўшатилиши аҳволи таҳлил қилиниб, жойлардаги ҳарбий хизматга чақириш жараёнида тиббий кўрик комиссиялари ишларида йўл қўйилган хатоликлар тўғрисида чора кўриш учун вилоятлар прокурорлари номларига ахборот хатлари жўнатилди.

Фақат умумий назорат бошқармасининг ўзигина 1999 йилда олиб борган текширувлар натижасида Мудофаа вазирлигига етказилган 12 млн сўм миқдоридаги зарар ундирилди. Бундан ташқари, хўжалик судларига даъво аризалари орқали чиқилиб, тузилган шартномаларни ўз муддатида бажармаган корхоналардан 20 млн сўм Мудофаа вазирлиги фойдасига ҳал қилинди.

Бир мисол, 1999 йил 22 январь куни Мудофаа вазирлиги махсуслаштирилган хўжалик ҳисобидаги бошқарма билан Ўзбекистон хорижий мамлакатлар билан дўстлик ва маданий-маърифий алоқалар жамиятлари кенгаши шўъба корхонаси ўртасида 68900000 сўмлик 3000 дона аккумулятор батареялари етказиб бериш тўғрисида шартнома имзоланган бўлиб, уни ижро қилиш муддати 1999 йил 31 март куни қилиб белгиланди.

Мудофаа вазирлиги махсуслаштирилган хўжалик ҳисобидаги бошқарма томонидан шартномада кўрсатилган мажбуриятлар ўз муддатида бажарилган бўлсада, лекин шўъба корхонаси маҳсулотларни ўз муддатида етказиб бермаган. Республика Ҳарбий прокуратурасининг аралашувидан сўнггина 1999 йил 12 август куни Тошкент шаҳар хўжалик суди қарори билан биз томонимиздан киритилган даъво аризаси қаноатлантирилиб, шўъба корхонаси томонидан етказилган зарар қопланди. Бундай мисолларни кўплаб келтириш мумкин.

Бошқармамиз билан Мудофаа вазирлиги бошқармалари, бўлимлари ўртасида алоқаларимиз янада яхшиланди. Мудофаа вазирлиги мансабдор шахслари билан ҳамкорликда ҳарбий қисмларда ўтказган текширишларимиз ўз ижобий якунини бера бошлади. Текширишлар асосан таҳлиллар асосида режалаштирилиб, жиноятчилик ва қонунбузарлик ҳолатлари кўпайган ҳарбий қисмларда олиб борилди.

1999 йилда биз хўжалик судлари билан ҳамкорликни чуқурроқ йўлга қўйишга эришдик, бир неча бор суд ишларида манфаатдор томон сифатида иштирок этиб, яхши натижаларга эришдик.

Мана шу кунларда 1999 йил давомида амалга оширган ишларимизни таҳлил қилиб, 2000 йилда бундан ҳам унумлирок ишларни режалаштирмоқдамиз. Ҳали олдимизга қўйилган вазифаларни тўлиқ бажариш учун кўп меҳнат қилишимиз лозим ва биз бунга бор кучимизни, қайратимизни сарфлашга тайёрмиз.

Мақсадимиз Ватан ҳимоясини муқаддас бурч деб билиб, Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари сафида ўз хизмат бурчларини ўтаётган барча посбонларимиз соғ-саломат, олдиларига қўйилган вазифаларни сидқидилдан бажариб, «Ватан ҳимоячиси» деган шарафли номга доғ туширмасдан, ўз оилаларига қайтишсин. Уларнинг бундай мураккаб ва муқаддас ишларида омадлар тилаб қоламиз.

Адлия майори Маъмуржон ТЕМИРОВ,
Ўзбекистон Республикаси ҳарбий прокуратураси бошқармаси бошлиғи.

● В ОСО «ВАТАНПАРВАР»

ГОТОВЫ ВСТАТЬ В СТРОЙ

Утреннюю тишину морозного утра наполняют молодые и звонкие голоса. На учебном плацу слышны звуки команд. Идет развод. После исполнения Государственного гимна страны и торжественного марша будущие воины отправляются в учебные аудитории на занятия. Как и во всяком воинском подразделении, здесь царит строгий порядок.

Много лет подряд носит звание образцовой Ферганская объединенно-техническая школа областного совета ОСО «Ватанпарвар», которая готовит технических специалистов для Вооруженных Сил нашей республики. После установленного срока обучения в армию уходят механики по обслуживанию вертолетов и самолетов, механики авиационного, радиоэлектронного оборудования и авиационного вооружения. Школа готовит и водителей категории «ВС».

После тщательного медицинского осмотра и проверки специальной отборочной комиссией на учебу в ноябре прошлого года были приняты призывники из Алты-Арыкского, Кувинского, Ферганского районов и города Маргилана. И если парни из войсковых подразделений уже стали умелыми воинами, то воспитанникам школы еще предстоит армейская служба. Но приедут они в воинские части со знанием боевых специальностей, с хорошей строевой и физической подготовкой, пониманием товарищества и взаимовыручки. Именно здесь — в технической школе — их первые шаги в армейскую жизнь. Для курсантов в ОТШ созданы все необходимые условия: учебные классы, скорее похожие на лаборатории и отвечающие самым современным требованиям, техническое оборудование, наглядные пособия, спортивные площадки, плац для строевой подготовки, столовая, общежитие.

Все это с гордостью нам показал начальник объединенно-технической школы Ибрагимжон Мирзаев. Более четверти века он отдал любимому делу и прошел все ступени — от слесаря автомотоклуба, преподавателя до начальника школы. Чтобы быть умелым руководителем, необходимо самому познать все азы мастерства и набраться опыта. Хочется отметить, что по итогам прошлогоднего конкурса среди автошкол и автопарков республики ферганцы заняли 1-е место.

Квалифицированные преподаватели и мастера производственного обучения отдают все знания и опыт для подготовки специалистов.

— Трудно давались курсантам первые занятия по строевой подготовке и физическим упражнениям, — говорит заместитель начальника ОТШ по учебно-производственной части Шухрат Абдупаттахов, — но благодаря отеческой заботе преподавателей и мастеров Сирожиддина Атадиканова, Рустама Гапирова, Бахтиёра Адхамова, Тулкуна Гафурова, Виктора Петровича Шумилина, Гуломжона Нишонова, Абдуллы Рустамова ребята вошли в привычный ритм занятий. За период обучения все они пройдут курс спортивно-оздоровительного комплекса «Саломатлик» и сдадут разрядные нормы.

Учебный цикл будущих специалистов основан на теоретических и практических занятиях. Призывники с большим удовольствием проходят курс обучения на стоянках авиационной техники, все классы оснащены инструментами для лабораторно-практических занятий и наглядными пособиями, что облегчает процесс усвоения материала.

Особый подход и навыки мастерства требуются от преподавателей и мастеров во взводе подготовки специалистов для авиации по радиосвязи, навигации и локации. В процессе обучения необходимо освоить сложное современное радиоэлектронное оборудование самолетов. И вот здесь вдумчиво и со знанием дела ведут работу с молодежью Гуламжон Нишонов и Гафур Ганиев.

После учебы курсанты с удовольствием посещают комнату информации и досуга, где можно почитать свежие газеты «Ватанпарвар», «Узбекистон овози», «Туркистон», «Фаргона хакикати», журнал «Автохамрох». В канун праздника — Дня защитников Родины — юноши встретились с ветеранами войны и труда, побывали в воинской части, где ознакомились с жизнью и бытом военнослужащих. Состоялись также встречи с родителями. Своя первичная организация центра «Маънавият ва маърифат» организовала встречи с бывшими курсантами, представителями фондов «Камолот», «Нуроний». Прошли концерты художественной самодеятельности.

В свободное время будущие воины занимаются волейболом, баскетболом, настольным теннисом, военно-прикладными видами спорта. Курсанты школы из года в год добиваются неплохих результатов на областных и республиканских соревнованиях. В прошлом году команда ОТШ заняла третье место на республиканских соревнованиях по картингу.

— Сейчас одна из главных наших задач — возродить былую славу ферганского спорта, — делится со мной председатель областного совета ОСО «Ватанпарвар» подполковник Юсупов Алишер Тулкунович. — И у нас для этого есть все условия. Взять, к примеру, областной спортивно-технический клуб. Какие красочные спортивные праздники и соревнования проходили здесь по мотоболу, мотоциклетному спорту, дельтопланеризму. Надеемся, что ферганцы в скором будущем вновь смогут наслаждаться этими зрелищами.

Безусловно, за короткий срок большие дела не решаются. Необходимо привести в порядок технику, спортивные базы, оборудование и многое другое. Но, главное есть — люди, которые добросовестно трудятся в организации содействия обороне, их умение, профессиональное мастерство, а это поможет решить все поставленные перед нами задачи.

Е. СВИНАРЕНКО,
пресс-секретарь Ферганского областного совета ОСО «Ватанпарвар».

● В КОМИТЕТЕ ПО ОХРАНЕ ГОСУДАРСТВЕННОЙ ГРАНИЦЫ РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН

На военной коллегии

На днях на расширенном заседании Военной коллегии Комитета по охране Государственной границы Республики Узбекистан были рассмотрены итоги служебно-боевой деятельности пограничных войск за 1999 год и меры по её дальнейшему совершенствованию в свете требований Президента — Верховного Главнокомандующего Вооруженными Силами Республики Узбекистан И. А. Каримова. В работе Военной коллегии приняли участие командование региональных штабов и пограничных районов, Высшего военного пограничного училища.

Здесь с отчётами о проделанной работе и состоянии положения дел в своих направлениях выступили начальники управлений КОГГ и самостоятельных отделов. Также были заслушаны некоторые командиры частей и их заместители по работе с личным составом.

С докладом на заседании Военной коллегии выступил Председатель Комитета по охране Государственной границы генерал-лейтенант Г. Тишаев.

В докладе он отметил, что военнослужащие пограничных войск единодушно поддерживают внутреннюю и внешнюю политику вновь избранного Президента Республики Узбекистан И. А. Каримова. В войсках взят курс на улучшение качественных показателей по всем направлениям служебно-боевой деятельности. Личный состав неоднократно проявлял высокое чувство ответственности при выполнении возложенных задач по охране Государственной границы.

Докладчик подробно проанализировал состояние боевой готовности частей и подразделений, выполнение задач боевой службы, боевой подготовки, воинской дисциплины, тылового обеспечения, кадровой работы и стиля управленческой деятельности. Рассмотрены задачи пограничных войск на текущий год с учётом военно-политической обстановки в регионе и пути их решения.

В докладе заместителя Председателя КОГГ по работе с личным составом полковника А. Рашидова рассмотрены вопросы укрепления воинской дисциплины и правопорядка в пограничных войсках и меры по усилению её влияния на решение стоящих перед войсками задач. При этом особое внимание было уделено повышению роли и совершенствованию стиля, форм и методов воспитательной работы.

Ш. КАРИМБАЕВ.

Қоровуллик хизмати юксак жанговар шайликни, Низом қоидаларига тўла амал қилишни талаб этади. Сержант Шерзод Нуриддинов (ўртада) **бошчилигидаги аскарларнинг ҳар бир ҳаракатида ҳам жиддийлик, масъулият сезилади.**

В. СУЧКОВ сурати.

● В ПЕРЕДОВЫХ КОЛЛЕКТИВАХ

ГАРАНТИЯ БЕЗОПАСНОСТИ

Отличную цель поставила перед собой сразу же после создания бригада сержанта Юсупа Эрназарова — работать высокопроизводительно! Но как этого добиться? Решили полностью изжить на стройплощадке производственный травматизм. Ведь известно, что даже из-за небольшой травмы теряется немало драгоценного рабочего времени. Большую помощь в этом полезном начинании военным строителям оказали инженерно-технические работники. Под их руководством и непосредственном участии инициатива солдат получила инженерную гарантию.

Что это значит? Наш корреспондент встретился с сержантом Ю. ЭРНАЗАРОВЫМ и попросил его ответить на ряд вопросов.

— Юсуп, в вашем коллективе получило развитие движение «Высокопроизводительному труду — инженерную гарантию». Чем это было вызвано?

— Личная ответственность, повседневный действенный контроль за выполнением требований безопасности, объединение инициативы и опыта военных строителей с опытом и знаниями ИТР — гарантия безопасных условий труда. На одном из общих собраний личного состава подразделения мы пришли к выводу, что у нас есть все условия работать без производственного травматизма, но без инженерной гарантии тут не обойтись. К счастью, присутствующие на нем начальники участков, прорабы, мастера полностью поддержали нас и дали слово во всем оказывать помощь и содействие.

Инженерно-технические работники разработали подробный план оргтехмероприятий обеспечения производственных бригад и участков технологической оснасткой, приспособлениями, инструментом, инвентарными оградительными устройствами. А также технологической документацией по организации безопасных и безвредных условий труда.

— Как этот план претворяется в жизнь?

— Перед началом монтажа нового объекта наши инженеры и техники ознакомились с рабочим проектом и проектом производства работ. Определили, можно ли с помощью имеющейся оснастки, механизмов и приспособлений высокопроизводительно вести монтаж, соблюдая при этом все правила техники безопасности. В ходе строительства инженеры постоянно работают над совершенствованием технологических решений, внедряя средства индивидуальной защиты, новые виды оградительной техники (например, ограждения проемов вентиляционных шахт, временные ограждения пожарных выходов и т. д.).

— Что, на ваш взгляд, главное в инженерной гарантии?

— Главное, что мы сделали в ходе работы, — это внедрили трехступенчатый контроль. Организовали с помощью ИТР эффективное моральное и материальное стимулирование. Нарушители подвергаются острой критике. Все достижения и недостатки предаются широкой гласности. При активном участии общественных инспекторов, мастеров, начальника участка ежемесячно проводим День комплексной проверки состояния техники безопасности в бригаде.

И все-таки, мне кажется, главная сторона инженерной гарантии — хорошо разработанные решения проекта производства работ и точное соблюдение их требований.

— А каков эффект работы с инженерной гарантией?

— Травматизм у нас полностью изжит. А это значит, что рабочее время используется рационально. Сменные задания перевыполняются. Заметен рост производительности труда. Повышается качество. И в конечном итоге все это способствует успешному выполнению стоящих перед нами задач.

Записал Б. СЕРГЕЕВ.

Экономика. Наука. Техника

ПОЖАРНЫЙ КОМПЬЮТЕР

В России разработана система компьютерного моделирования лесных пожаров. По словам ученых-биологов, именно в точном определении границ распространения огня в конкретных временных рамках заключается основная сложность тушения пожаров и, конечно, в дефиците спецтехники и топлива. Так вот, компьютер, просчитав все данные об очаге возгорания, легко определит и скорость движения, и направление пламени на всей контролируемой территории.

ҲУРУЖ ДАВОМ ЭТАДИ

Россиялик мутахассислар февраль ойи ўрталарига бориб, грипп хасталиги мамлакатнинг барча ҳудудларига ёйилиши мумкинлигини эътироф этмоқда. Айниқса, гриппнинг икки тури — «Сидней-97-А» ва «Москва-99-А» вируслари кенг тарқалади. Ўтган йили ҳам ушбу вируслар кенг тарқалган ва 74 кишининг умрига зомин бўлганди.

ТУРИЗМ ПРИНОСИТ ПРИБЫЛЬ

Туризм стал в Польше одной из наиболее интенсивно развивающихся отраслей экономики страны. Польша входит в первую десятку в мире по числу наиболее часто посещаемых стран. Одновременно после реструктуризации народной экономики значительно возросло значение сферы, приносящей большой экономический эффект. Ведущей среди них является отрасль туризма и путешествий. Польскому туристическому бизнесу способствует также членство страны в Европейской комиссии по туризму, а также создание сети заграничных представительств туристического бизнеса Польши во многих странах мира.

ОҚИБАТИ ИШСИЗЛИК

Эрон билан савдо-иқтисодий ҳамкорлик Чехияга муаммо келтириб чиқарди. АҚШ ва Буюк Британия ҳукумати Чехиядан Эронга машинасозлик маҳсулотлари сотишни ўхтатишни талаб қилди. Таъқидланишича, Чехияда ишлаб чиқарилган машина, дастгоҳ ва бошқа техник ускунаю жиҳозлардан Эрон ўзининг ҳарбий қудратини ошириш, янги-янги қуроллар ишлаб чиқаришда фойдаланиши мумкин. Агар Чехия бу талабга кўнмаса, унинг НАТО билан муносабатларида жиддий муаммолар вужудга келиши аниқ. Ҳарбий блокка аъзо айрим давлатлар томонидан иқтисодий жазо чоралари қўлланиши мумкин.

Ҳозир Чехия саноати қийин аҳволни бошдан кечирмоқда. Ғарбда унинг маҳсулотларига талабгор кам, шу боис шарқий мамлакатлар, жумладан, Эрон билан ҳамкорлик ҳаётий заруратга айланган. Бордию ушбу савдо-иқтисодий алоқа узилса, Чехия корхоналари юзлаб иш ўринларини қисқартиришга мажбур.

РАСТЕТ АРМИЯ ВЕГЕТАРИАНЦЕВ

С каждым годом на 1 млн. человек увеличивается армия вегетарианцев в США. Американские врачи, одобряя вегетарианство, предупреждают, однако, что ежедневный диетический рацион должен быть хорошо сбалансированным. По их мнению, вегетарианцам в свое меню, помимо пищи растительного происхождения, следует обязательно включать яйца и молочные продукты. Как показали исследования, такая яйце-молочная диета снижает вероятность онкологических и сердечно-сосудистых заболеваний, предотвращает ожирение. Диетологи отмечают также значение регулярных физических упражнений и употребление большого количества воды для поддержания здоровья.

НОРАСМИЙ АНЖУМАН

Хитойнинг Шанхай шаҳрида келаси йилда Осиё-Тинч океани иқтисодий ҳамкорлик ташкилотига аъзо мамлакатлар вакиллари иштирокида норасмий анжуман ўтказилиши режалаштирилган. Шу муносабат билан, Хитойда ҳозирданоқ тадбирга тайёргарлик бошлаб юборилди. Пекинда ташкилий қўмитанинг биринчи мажлиси ўтказилди. Анжуман ташкилотга миқтақавий ҳамкорликни янада ривожлантиришда муҳим аҳамият касб этади, деди мамлакат ташқи ишлар вазири Тан Цзясюан.

По материалам печати.

● ЭҲТИЁТ БУЛИНГ: ФИРИБГАР

ЕТМИШДАН БИРИ

Ҳурматли газетхон, лотереясига «Тико» автомобили чиққан одамнинг ҳолатини тасаввур қила олсангиз керак. Албатта, унга ҳавасингиз келади. Қандай омадли одамлар бор-а, деб ҳам кўясиз. Аммо, афсуски, бизнинг қаҳрамонимизга ҳавасингиз эмас, раҳмингиз келади.

Қўлимда Сирдарё вилоятида истиқомат қилувчи Абдураҳмон Ҳакимовнинг шикоят хати. Унда нафақат Тошкентдаги бир фирманинг фирибгарлигидан шикоят мужассам, балки инсон дарди тўкиб солинган: «... Мен лотерея харид қилар экан-ман, ундан келадиган маблағ шаҳар ва қишлоқларимизни ободонлаштириш, фуқаролар турмушини яхшилаш ва бошқа соҳаларга ишлатилишидан ҳам боумид эдим. Шу билан бирга, тўғрисини айтганда, барча одамлар каби, зора менга ҳам омад кулиб боқса деган умидим ҳам йўқ эмасди...»

1998 йилнинг 25 декабрида А. Ҳакимов пойтахтимизнинг Пушкин кўчаси, 77-уйда «ВАТИ СЕРВИС» БС № 0099987 сериали, қиймати 3500 сўмлик спринт лотереясини сотиб олди. Унинг ортидаги ёзув жуда жозибали эди — ҳар 260 та чиптанинг биттасига «Тико» автомобили чиқади. Бундай имконнинг ким қўлдан бой бергиси келади? Ахир бу «мингтадан биттаси...» эмас-ку...

Ўйин ўйналадиган вақт ҳам етиб келди. А. Ҳакимовга омад кулиб боқди... Буни қаранг-а, «Тико» автомобили ютди.

Ютуқни олиш куни ҳам етиб келди... Ана шу кундан бошлаб, ҳурматли газетхон, бояқишнинг ҳақиқий саргузашти бошланди. А. Ҳакимов ҳар ойда Тошкентга келар ва «ВАТИ СЕРВИС»га тегишли автомобилни бериш-ларини сўраб мурожаат қилар, жавобан бу ташкилот ходимлари томонидан мукофотни келгуси ойда олиши ҳақидаги ваъдаларини эшитар эди.

А. Ҳакимов ўз хатида шундай деб ёзади: «1999 йилнинг январида мен Тошкентга «ВАТИ СЕРВИС» хусусий фирмасининг раҳбари У. Умаров ва бош бухгалтери Е. Аъзамова билан учрашиш учун келдим. Уларнинг лотереямизнинг ҳақиқийлигини текшириш учун экспертизага олиб қолишди. Жавоби бир ҳафтадан сўнг тайёр бўлишини айтишди. Белгиланган вақтда етиб келиб, лотереямизнинг ҳақиқийлигини, январь ойининг охирида «Тико» автомобилини олиб кетишимни эшитиб хурсанд бўлдим. Кейинги гал мен 15 февралда, сўнгра 1 мартда Тошкентга келдим. 1999 йилнинг 20 мартидаги навбатдаги ташрифим ҳам самарасиз бўлди».

Ўзингиз тушунасиз, кичкина шаҳарчада янгиликдан ҳамма тез хабар топади. Абдураҳмон акангинг қариндош-уруғлари, дўстлари ва қўшнилари уни чин дилдан табриклашди.

«Ҳар гал қўшниларим ёки таниш-ларим машина ҳақида сўз очса, нокулай аҳволга тушиб қоламан. Май ойининг охирида ниҳоят бундай фирибгарликни фош этиб, айбдорларни жавобгарликка тортиш истаги менга тинчлик бермай қўйди, — дейди А. Ҳакимов. — Мен Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг Коррупция, рэкет ҳамда террорчиликка қарши кураш бош бошқармасига хат билан мурожаат қилдим. У ердаги мутахассислар ишимни ўрганиб чиқиб, тегишли чоралар кўришга ваъда қилишди...»

Ёзда А. Ҳакимов яна «ВАТИ СЕРВИС» фирмасининг вакиллари билан учрашишга қарор қилди. Лекин фирманинг аввалги манзили — Пушкин кўчаси, 77-уйда корхонанинг тугаб кетганлигини айтишди. А. Ҳакимов У. Умаровни топишга муваффақ бўлди, у энди янги фирмага раҳбар бўлиб олган экан. Эҳтимол, У. Умаров фирибгарликнинг янгича шаклини ўйлаб топгандир. Зеро, қилган аввалги гуноҳлари учун ҳеч қандай жазога тортилмаган эди.

— Яқинда прокуратурада менга У. Умаров илгари ҳам солиқ қонунчилигини бузганлиги учун жавобгарликка тортилганлигини айтишди, — дейди Абдураҳмон ака. — У эндиликда, Навоий кўчасидаги пештоқига «Узмашинасаноат» деган лавҳа осилган биноннинг иккинчи қаватида ишлапти. Ходимларига мени бинога қўймасликни тайинлаб қўйган. Мен бормайдиган ҳам бўлдим.

Юнусобод тумани прокурорининг ёрдамчиси Ф. Расулов шундай дейди: «Тико» автомобилини ютган 76 одамдан фақат беш киши 1999 йилнинг февралигача ўз ютутини олишга муваффақ бўлди. Қолганларга Умаров турли баҳоналарни рўкач қилиб, ютуқни бермаган. Хатто чипталарнинг сифати ёмонлигини ҳам баҳона қилиб кўрсатган. Мен У. Умаровдан «ВАТИ СЕРВИС» хусусий фирмаси томонидан сотиладиган спринт лотерея чипталарининг давлат белгиси ишлаб чиқариш бирлашмаси томонидан ишлаб чиқарилиши ҳақида тузилиши лозим бўлган шартномани кўрсатишни талаб қилганимда, у бундан бош тортди. «ВАТИ СЕРВИС» хусусий фирмаси лотерея чипталарини сотишга рухсат олди. Бироқ, сотилиш ҳудуди чекланган эди. Умаровнинг фирмаси қондага хилоф равишда ўз чипталарини бутун республика бўйича сотган. Мен Сирдарё, Жиззах, Фарғона, Андижон вилоятларида ҳам жабрланганлар борлигини биламан».

Чипталарнинг қиймати 3500 сўм эканлигини эътиборга олсак, қанча маблағ ўзлаштирилганлигини тасаввур этиш қийин эмас. Прокурор Ф. Расулов томонидан фирма директори У. Умаров ва бухгалтер Е. Аъзамовага нисбатан жиноий кодекснинг 168-моддаси, 4-қисми қўлланганлиги бежиз эмас. Зеро, йирик миқдордаги ўғрилик, фирибгарлик содир бўлганлиги кўриниб турибди.

— Сизга хат билан мурожаат этишдан олдин, — деб ёзади А. Ҳакимов, — мен кўп жойларда бўлдим. Бунинг сабаби машинада эмас, балки ҳамюртларимнинг огоҳлантириш. Одамлар У. Умаров каби қаллоблар қармоғига тушмаслиги учун бошимдан ўтганларни билишини истадим.

Шу кунларда Тошкент шаҳар Юнусобод тумани ички ишлар бошқармаси томонидан фуқаро У. Умаров ва унинг ҳамтовоқларининг «лотерея» иши бўйича суров-суриштириш иши якунланмоқда. Олдинда суд ҳукми. Бизнинг қаҳрамонимиз каби ишонувчан одамлар мазкур мақолани ўқиб, лотерея чипталарини харид қилишда ҳушёрроқ бўлади, деган умиддамиз.

Ф. МУЗАФФАРОВ.
(ЎзА).

МАЪНАВИЙ МЕРОС ВА БУГУНГИ ЁШЛАР

Аждодлар ва авлодлар ўртасидаги руҳий мутаносибликни сақлаш, ёшларни билимдон, миллий қадриятларни эъзозлайдиган фидойи инсонлар қилиб етиштириш давлат аҳамиятига молик масала ҳисобланади. Шунинг учун ҳам юртимизда ёшлар маънавиятини юксалтиришга, маърифий ишлар таъсирчанлигини оширишга катта эътибор берилмоқда. Жумладан, Олий Мажлиснинг яқинда бўлиб ўтган иккинчи чақириқ биринчи сессиясида ҳам Юртбошимиз «умумий гаплар билан эмас, амалий ишлар билан маънавиятни юксалтириш диққатимиз марказида бўлиши»ни, «мустақил дунёқарашга эга, аждодларимизнинг бебаҳо мероси ва замонавий тафаккурга таянган яшайдиган баркамол шахс — комил инсон ни тарбиялаш» маънавий соҳадаги ишларимизнинг пировард натижаси эканлигини алоҳида таъкидлаган эди.

Куни кеча Ўзбекистон Давлат жаҳон тиллари университетида айни талабларга бир жавоб сифатида «Аждодлар маънавий мероси ва бугунги ёшлар» мавзуида илмий-амалий конференция бўлиб ўтди. Университет ректори профессор Жамолдин Бўронов, Темурийлар тарихи давлат музейи бўлим мудири, республикада хизмат кўрсатган фан арбоби Исо Жабборовлар ушбу анжуманнинг тарбиявий, маърифий аҳамияти, янги аср, янги минг йиллика озод, ҳур давлати, ўз гояси, мафкураси, сиёсати билан қадам қўяётган ўзбекнинг дунё халқлари тарихида тутган ўрни, унинг жаҳон тараққиётига қўшган муносиб ҳиссаси ҳақида тўлқинланиб гапирдилар.

«Ўзбекистон тарихи» кафедраси мудири, тарих фанлари доктори Дилором Бобожонова, ушбу кафедра катта ўқитувчиси Сабоҳат Юсупова, Амир Темур номидаги халқаро жамғарма раиси ёрдамчиси Илёс Ниёзовлар эса ўз чиқишларида соғлом авлодни тарбиялаш, аждодлар мероси, маънавияти каби долзарб масалаларга кенг тўхталиб ўтишди.

Конференция ишида тажрибали олимлар, устозлар билан бир қаторда аспирант ва магистрлар, талабалар ҳам фаол иштирок этдилар. Айниқса, университет аспиранти Барчиной Жўраева, биринчи босқич магистрлари Жавод Қурбонбоев, Бумоҳира Сулаймонова, талабалардан Ҳамидулла Аниз-ов, Аброр Фармонов, Мақсуд Қоржовов, Дилором Рустамоваларнинг маъруза-лари ёшларимиз ўз мутахассисликларидан ташқари дин, тарих, адабиёт бўйича ҳам чуқур билимга эга эканликларини кўрсатди. Айниқса, Юртбошимиз асарлари таҳлилига, «Алпомиш» достонининг немис тилига таржимаси, Жалолиддин Манғуберди ҳаётининг инглиз тилидаги адабиётларда ўрганилиши, Имом ал-Бухорий, Имом ал-Мотуридий ҳаёти ва ижоди, диний экстремизм ва фундаментализм, гиёҳвандлик оқибатларига бағишланган ўзбек ва инглиз тилларидаги чиқишлар тингловчиларда катта қизиқиш уйғотди.

Хулоса қилиб айтганда, бундай илмий-амалий анжуманда илк марта қатнашаётган шогирдлар, талабалар ўзларининг фикр доиралари кенглигини, маърифий-тарбиявий ишларни юксак даражада уддалашларини намойиш қилиб ўз устозлари, ўқитувчиларини мамнун этдилар. Шу куни номлари, эзгу ишлари ёдланган, мадҳ этилган, жаҳон халқларига ўрнак бўлган улуғ боболаримиз — аждодларимиз руҳида шод бўлди.

Капитан А. УСМОНОВ,
«Ватанпарвар» муҳбири.

● ЭЛ ҲУРМАТИНИ ҚОЗОНГАНЛАР

РАҚС ҚАСРИНИНГ МАЛИКАСИ

Аёллари қадр топган юрт юксак маданият ва ривожланишга юз тутади, дейишади алломалар. Бу — ҳақ гап. Бизнинг юксалиш сари дадил қадам ташлаётган юртимиз аёллари ҳам ўз ўрни ва қадр-қимматига эга. Уларнинг самарали меҳнатлари ҳукуматимиз томонидан муносиб тақдирланиб келинмоқда.

Яқиндагина юртимизда ўтказилган байрам — 14 январь — Ватан ҳимоячилари куни да ўз вазифасига фидойи бўлган хизматчиларимизнинг кўплари Президентимиз фармонига кўра муносиб тақдирланди. Булар орасида аёлларнинг борлиги, уларнинг камтарин меҳнатлари ҳам муносиб мукофотлангани қувонарли ҳолдир. Мана шундай меҳнати эъзозланган аёлларимиздан бири — Ўзбекистон Қуролли Кучлари Ашула ва рақс ансамбли бош саҳналаштирувчиси, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист лейтенант Зиёда Мадраҳимова билан суҳбатлашдик.

— Зиёда Убайдуллаевна, сизни Ўзбекистон Республикаси Фахрий ёрлиги билан тақдирланганингиз муносабати ила муштарийларимиз номидан қутлайман. Ижодий фаолиятингизда улкан ютуқлар тилайман.

— Катта раҳмат. Менга 1999 йили 14 январь — Ватан ҳимоячилари куни да Мудофаа вазирлиги томонидан лейтенант унвони берилган эди. Бу йил мана Фахрий ёрлиқ билан тақдирландим. Мен ўзимдаги бор имкониятимни халқим, Ватанимнинг юксак келажаги йўлида сарфлашга доимо тайёрман.

— Зиёда опа, рақкосалик санъатига тайёргарлик жуда эрта, яъни болалик вақтларданоқ бошланади. Шунинг учун тарбия топган онларингиз ва болалик йилларингиз тўғрисида сўзлаб берсангиз?

— Мен Фарғона шаҳрида туғилганман. Ота-онам Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артистлар — Убайдулла Мадраҳимов ва Эргашхон Мирмаҳмудовалар Фарғона шаҳар мусиқали драма театрининг етакчи актёрларидан бўлишган. Кейинчалик уларни Тошкент шаҳридаги театрларга таклиф қилишганидан сўнг, мен икки ёшлигимда Тошкент шаҳрига кўчиб келганмиз. Болалигим шу ерда ўтди. Ўрта мактабнинг 6-синфидан бошлаб Ўзбек рақс билим юрти, яъни ҳозирги Ўзбек рақс Академиясида рақс санъатидан сабоқ олдим. Бу ерни тамомлагач, «Баҳор» ансамблига ишга кириб, ишдан ажралмаган ҳолда Абдулла Қодирий номидаги Маданият институтида ўқиганман.

— Ижодингизнинг юксалган даври ва устозларингиз ҳақида маълумот берсангиз?

— Мен ҳаётда шундай бахтли инсонманки, номларни ўзбек рақс тарихида қолган Мукаррама Тургунбоева, Қундуз Миркаримова, Гавҳархоним Раҳимовадек улуғ санъаткорларнинг сабоқларини олишга муяссар бўлганман. Айниқса, Баҳор» ансамблидаги фаолиятим ва эришган ютуқларимни устозим Мукаррама Тургунбоевасиз тасаввур қила олмайман. Шунинг учун Мукаррама опа менинг саҳнадаги, санъатдаги иккинчи онам. Шу инсоннинг сабоқлари туфайли рақсларим халққа манзур бўлиб, 1983 йилда Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист унвонига сазовор бўлдим.

— Ўзбек рақс санъатини қайси давлатларда намойиш этишга эришгансиз, қайси миллат рақсларини ижро этгансиз?

— «Баҳор» ансамблидаги йигирма йиллик фаолиятим давомида 50 дан ортиқ чет эл мамлакатларида, жумладан Англия, Швеция, Франция, Австрия, АҚШ, Япония, Афғонистон, Ҳиндистон, Покистон, Араб Амирлиги, Африка давлатларида бўлиб, санъаткорларимиз қатори ўзбек рақсини дунёга танитишга ҳисса қўшдим. Мен асосан Эрон, Араб, Ҳинд, Турк, Афғон ва бошқа Шарқ мамлакатлари миллий рақсларини ижро этганман.

— Мана шу чет эл сафарларида бўлганингизда ҳаётингизда қатта таассурот қолдирган воқеалар бўлганми?

— Сафарларда эсда қоларли воқеалар кўп бўлади. Масалан, 1979 йилда Америка Қўшма Штатларига қилган сафаримизда бизни қаттиқ огоҳлантиришди. Яъни у ердаги ватандошлар билан умуман суҳбатлашмаслик, ҳол-аҳвол сўрашмаслигимиз керак эди. Биз самолётдан тушганимиздан боришимизни эшитган юртдошларимиз кўлларида совга-саломлар билан бизни кутиб туришган экан. Лекин бизга ҳатто саломлашишга ҳам рухсат беришмади. Уларнинг кўзларидан оққан ёшлар, ўксик нигоҳлари ҳалигача кўз олдимдан кетмайди. Мустақиллигимиз барча давлатлардаги ватандошларимиз билан тўпишишимизга катта йўл очиб берди. Бу эркка эришган халқимиз учун жуда катта бахт.

— Санъаткорлик фаолиятингизда сиз тан берган, сиз учун рақс санъати юксак бўлган, бир умр шундай бўлишни орзу қилган раққоса борми?

— Албатта, йиллар давомида мен жуда кўп инсонлар билан бирга ишладим. Мана шулар орасида рақс санъатида мен тан берган инсонлардан бири Ўзбекистон халқ артисти Равшаной Шариповадир. Бу рақкосадаги ўта тиришқоқлик, меҳнатсеварлик, ҳар битта рақсга бир маъно киритиши, кучли иродаси билан менда катта таассурот қолдирган. Бир мисол: Москвада ўтказилган катта танловдан бир кун аввал Равшаной опанинг оёғи қаттиқ лат еди. Саҳнага чиқишини ҳатто тасаввуримизга ҳам сиғдира олмаганмиз. Аммо, опа эртасига саҳнада ажойиб рақс ижро этиб, танловнинг юксак мукофотига сазовор бўлган эди. Бу қадар касбга фидойилик ва кучли ирода камдан-кам инсонларга насиб этса керак, деб ўйлайман.

— Қуролли Кучлар Ашула ва рақс ансамблидаги фаолиятингиз, эришган ютуқларингиз ва шогирдларингиз билан таништирсангиз?

— «Баҳор» ансамблидаги 20 йиллик фаолиятимдан сўнг, меҳнат таътилига чиқдим. Шундан кейин мени Мудофаа вазирлиги раҳбарияти томонидан Қуролли Кучлар ансамблига таклиф қилишди. Бу ерга келганимда уч нафар рус қизидан иборат рақс гуруҳи бор эди. Ҳозирда эса 12 та рақкоса қизларимиз ансамблимизнинг энг кўзга кўринган санъаткорларидир. Миллий мумтоз қўшиқларимизга саҳналаштирган рақслар, замонавий рақсларимиз билан Ватанимиз посбонларига хизмат кўрсатиб келаяпмиз. Шу ансамблдаги шогирд қизларимдан Шаҳризода Дилмурод қизи, Наргиза Саиджонова, сержант Шаҳноза Каримова, Меҳри Қурбонова, Камола Дадажоновалардан келажакда таниқли рақкосалар етишиб чиқишига ишонаман.

— Зиёда опа Қуролли Кучлар Ашула ва рақс ансамблининг бошқа санъат гуруҳларидан қандай фарқи бор?

— Қуролли Кучлар Ашула ва рақс ансамблининг республикамизда ўз ўрни ва мавқеи бор. Ансамблимиз шунчаки ҳаваскорлик гуруҳи эмас, биз ҳам ҳарбийларимиздек иш тартибига қатъий риоя қилган ҳолда ишлаймиз. Республикамизнинг барча вилоятларига бориб, ҳарбий хизматчиларга ўзбек халқининг бетакрор санъатини намойиш этиб келаяпмиз.

— Сиз янги аср ўзбек рақс санъатини қандай тасаввур қиласиз?

— Албатта, йилдан-йилга, айниқса янги асрда барча фаолиятлар ривожланиб, сайқаллашиб боради. Шу қатори ўзбек рақс санъати ҳам. Рақсларимизнинг келажакда янги-янги талқинларда ижро этилиши тарафдориман. Аммо рақсларимизни миллий руҳни унутмаган, асосий илдизни йўқотмаган ҳолда авлодларимизга етказмоғимиз лозим. Шундагина ўзбек рақсининг ҳаётда, жаҳон саҳналарида ўз ўрни бўлади.

— Таниқли санъаткорларнинг онласига барча қизиқиш билан қарайди. Турмуш ўртоғингиз, фарзандларингизни муштарийларимизга таништирсангиз?

— Турмуш ўртоғим Хўжаев Баҳодир ака Ўзбекистон Давлат Архитектура ва қурилиш қўмитаси ранси лавозимида хизмат қилади. Катта ўғлим Отабек эстрада қўшиқчиси, иккинчи ўғлим Бобуржон Тошкент иқтисодиёт университети иккинчи курс талабаси, кенжа ўғлим Диёржон ўрта мактабнинг еттинчи синфида таълим олаяпти.

— Зиёда опа, ҳарбий хизматчиларимиз — Ватанимиз посбонларига қандай тилакларингиз бор?

— Аввало, менинг ҳарбий хизматчиларга ҳурматим ниҳоятда чексиз. Чунки мана шу бирга ишлаш жараёнида кўраяпманки, энг фидойи касб эгалари, бу — ҳарбий хизматчилар. Тилагим: ҳарбий хизматчиларимиз — аскар йигитларимиз устиларидаги ҳарбий либосларга фақат ҳарбий машқлардагина ранг тегсин! Ҳарбий ҳаёт қийинчиликларига чидам билан елкадош бўлиб келаётган аёлларимиз ҳам доимо саломат бўлишсин!

Зулфия ЮНУСОВА,
«Ватанпарвар» мухбири.

● КУБОК СОДРУЖЕСТВА—2000

Нелогично, но факт

Итак, восьмой розыгрыш Кубка чемпионов Содружества по футболу вышел на финишную прямую. Завтра состоится решающий матч, в котором, вероятно, встретятся московский «Спартак» и кишиневский «Зимбру». Это предположение основывается... Однако обо всем по порядку.

Результаты матчей первых двух туров с участием нашего чемпиона «Дустлика» мы уже приводили. Для ясности картины сообщим итоги поединков между другими клубами и перейдем к заключительному этапу групповых соревнований.

ВЫСШАЯ ЛИГА

ГРУППА А: «Чяпаз» (Гянжа, Азербайджан) — «Жальгирис» (Каунас, Литва) — 0:2; «Зимбру» (Кишинев, Молдова) — «Спартак» (Москва, Россия) — 1:3.

ГРУППА Б: «Динамо» (Киев, Украина) — «Ширак» (Гюмри, Армения) — 1:0; «Батэ» (Борисов, Беларусь) — «Сконто» (Рига, Латвия) — 1:3.

ПЕРВАЯ ЛИГА

ГРУППА С: «Левадия» (Таллин, Эстония) — «Ниса» (Ашхабад, Туркменистан) — 1:4.

ГРУППА Д: «Динамо» (Тбилиси, Грузия) — «Варзоб» (Душанбе, Таджикистан) — 3:5; «Иртыш» (Павлодар, Казахстан) — ЦАГ «Динамо» (Бишкек, Кыргызстан) — 6:1.

Среди претендентов на путевки в класс сильнейших приятно удивили таджикистанцы, не потерпевшие ни одного поражения. В третьем матче, одолев ЦАГ «Динамо» с перевесом 1:0, «Варзоб» финишировал в своей группе первым, имея лишь двухочковую потерю. А вот грузинам проигрыш лидеру во втором туре стоил многого. И победа над «Иртышом» (5:2) уже не помогла наверстать упущенное.

Похожая ситуация сложилась у «Дустлика». Уступив в первом туре «Левадии» и обыграв во втором выступившую вне конкурса юношескую сборную России, узбекистанцам в заключительной игре против «Нисы» необходимо было забить не менее 4-х «сухих» голов.

Первый тайм завершился нулевой ничьей. Во второй сорокапятиминутке Февзи Давлетов дальним ударом открыл счет. Затем Мухтар Курбанов, вернувшийся с просмотра из Китая, закрепил успех партнера еще двумя мячами. Оставалось, выражаясь борцовской терминологией, только пожать руки, но, увы. Мяч под занавес встречи влетел-таки в ворота, да не в те, что нужно и, кстати, весьма с сомнительного пенальти. В итоге имеем то, что имеем. Казалось бы, не помогло. Сначала наша дружина проигрывает эстонцам — 1:4, потом победители этого матча с аналогичным результатом оказываются повержены туркменами и венчает цепочку вышеупомянутая победа «Дустлика» над ашхабадской командой. Так кто же объективно сильнее? Ответ читателя—в пользу чемпиона Узбекистана. Если б наши футболисты прибыли на турнир, как планировалось, за несколько дней до его открытия, а не накануне, то, глядишь, и дебютный поединок с таллинцами завершился бы со знаком плюс.

ВЫСШАЯ ЛИГА
ПОЛУФИНАЛЫ:
«Спартак» — «Батэ» — 5:1; «Зимбру» — «Сконто» —2:0.

Ю. ЛИТВИНОВ.

ГРУППА А:

	И	В	Н	П	М	О
«Спартак»	3	3	0	0	11—2	9
«Зимбру»	3	2	0	1	6—5	6
«Жальгирис»	3	1	0	2	3—4	3
«Чяпаз»	3	0	0	3	1—11	0

ГРУППА Б:

«Сконто»	3	3	0	0	11—2	9
«Батэ»	3	1	1	1	6—4	4
«Динамо» (К)	3	1	1	1	1—5	4
«Ширак»	3	0	0	3	2—9	0

ПЕРВАЯ ЛИГА

ГРУППА С:

«Ниса»	2	1	0	1	5—4	3
«Левадия»	2	1	0	1	5—5	3
«Дустлик»	2	1	0	1	4—5	3

Юн. сб. России вне конкурса

ГРУППА Д:

«Варзоб»	3	2	1	0	8—5	7
«Динамо» (Тб.)	3	2	0	1	13—9	6
«Иртыш»	3	1	1	1	10—8	4
ЦАГ «Динамо»	3	0	0	3	3—12	0

„Узбекистон хаво йуллари"—новые высоты

28 ЯНВАРЯ ИСПОЛНИЛОСЬ ВОСЕМЬ ЛЕТ СО ДНЯ СОЗДАНИЯ НАЦИОНАЛЬНОЙ АВИАКОМПАНИИ «УЗБЕКИСТОН ХАВО ЙУЛЛАРИ».

Ее развитие можно сравнить со взлетом современного лайнера: короткая остановка на полосе, мощный разбег, отрыв и — крутой высокий взлет. Созданная в 1992 году почти сразу после провозглашения независимости Республики Узбекистан по инициативе Президента Ислама Каримова авиакомпания быстро преодолела кризис, охвативший в ту пору всю гражданскую авиацию СНГ, а затем начала динамично «набирать обороты», расширяя самолетный парк, открывая новые маршруты, реконструируя свое наземное хозяйство.

Мощным толчком развитию НАК послужили меры по модернизации всей ее инфраструктуры и, прежде всего, самолетного парка. Сегодня в него входят и три европаробуса А-310, два «Боинга-767» и два «Боинга-757», три РУ-85. На региональных авиалиниях «Узбекистон хаво йуллари» первой начала эксплуатировать пассажирский лайнер ИЛ-114, построенный ташкентскими авиастроителями.

Эксплуатация новых современных самолетов позволила достигнуть мирового уровня сервиса и открыть конкурентоспособные рейсы в крупнейшие города Европы, Азии и Америки. Сейчас Национальная авиакомпания Узбекистана совершает регулярные рейсы более чем в 20 государств дальнего зарубежья и по многим направлениям СНГ. За пределами республики действует около 40 представительств НАК, в последние годы возросли объемы перевозок.

Новым шагом стало освоение узбекистанскими специалистами зарубежных технологий по техническому обслуживанию и ремонту самолетов западного производства. После обучения в США и Европе наши инженеры и техники получили право на линейное и базовое обслуживание воздушных судов типа А-310, РУ-85, Б-767 в объеме «С-check».

Для любой авиакомпании приоритетным направлением в работе является обеспечение безопасности полетов. В этом плане «Узбекистон хаво йуллари» является одной из лучших в СНГ. Наша страна — полноправный член ИКАО, а авиакомпания является членом Всемирного фонда авиационной безопасности, что налагает на нее большую ответственность.

В мировом авиационном бизнесе складывается высокая репутация авиакомпании «Узбекистон хаво йўллари». Более чем с 70 авиапредприятиями и компаниями подписаны соглашения о сотрудничестве.

В настоящее время в авиакомпании ведется активная работа по реформированию организационной структуры. Этого требуют новые формы хозяйствования, условия рыночных отношений. Разработан комплекс последовательного, поэтапного разгосударствления определенных объемов с учетом обеспечения безопасности полетов и устойчивого управления авиатранспортным производством.

Сегодня, на пороге восьмилетия НАК «Узбекистон хаво йуллари», можно смело утверждать, что нынешний облик авиакомпании — это облик респектабельной фирмы. И если еще в начале 90-х годов она переживала немалые трудности, то сейчас гражданская авиация — одна из передовых отраслей народного хозяйства страны. Выработав новые критерии деятельности, новые подходы к решению проблем реструктуризации отрасли, взяв на вооружение все лучшее из мирового опыта авиаперевозок, Национальная авиакомпания уверенно завоевывает новые высоты, укрепляя международный авторитет нашего государства.

Д. САНТОВА,
корр. УзА.

ТОПҚИРЛИК МАШҚИ



ЭНИГА: 1. Эшкакли енгил спорт қайиғи. 3. Ватоннинг бир неча йўловчига мўлжалланган бўлмаси. 5. Механизмнинг барча бўлаклари ўрнатиладиган қисм. 7. Сабзавот экини. 9. Пирик парранда. 10. Қурилмаларда ҳаракатни узатувчи чармдан ясалган лента. 13. Ган, сўзнинг яна бир атамаси. 15. Атоқли итальян бастакори, опера намояндаси. 16. Кўп ўринли автомобиль. 17. Дурадгорлик асбоби. 20. Сувда сузувчи парранда. 22. Мустаҳкам қотишма маъдан. 26. Тошкент вилоятидаги шаҳар. 27. Самарқанд вилоятидаги туман. 29. Шарқ мумтоз шеъриятига хос асар тури. 33. Мўйнали жонивор. 34. Бинокорлик ашёси, қаттиқ тор жинси. 37. Сўз туркуми. 39. Қадимги юнон файласуф олимининг шарқдаги номи. 40. Огир саноат корхонаси. 41. Грузиядаги дарё. 42. Ҳаётий фактлар қисқача тасвиридан иборат кичикроқ бадиий асар. 43. Шарқона йил ҳисоби тури. 44. Пирик жануб парранда си. 45. Дурадгорлик асбоби. 46. Ишлаб чиқариш корхоналари бирлашмаси.

БУЙИГА: 1. Эшик ёки дераза қисми. 2. Моддаларнинг суюқ ҳолдаги аралашмаси. 4. Мустақил давлатлар ҳамдўстлиги таркибидаги республика. 6. Нарсанинг ҳақиқий ўлчами билан кичрайтирилган ёки катталаштирилган ўлчами ўртасидаги нисбат. 8. Назмий асар тури. 9. Пул муомаласини олиб борувчи муассаса. 11. Маълум бир соҳадаги фаолияти билан танилган шахс. 12. Сут, шакар ва крахмалдан тайёрланган ширинлик. 14. Кичкинтойлар муассасаси. 17. Италия футбол командаси. 18. Билим мактаби. 19. Пуфлаб чалинадиган миллий мусиқа асбоби созандаси. 20. Қадимда ердан фойдаланганлик учун олинган солиқ. 21. Бадиий буюм. 23. Европа, камёб тор қўйи. 24. Жануб меваси. 25. Оснёдаги улкан тоғлик. 28. Лондон ҳудудидан ўтувчи, дунё соати ҳисобланувчи меридиан. 30. Сурхондарё вилоятидаги туман. 31. Бирор нарсани олишга оид ҳужжат. 32. Солнома. 34. Манзарали ўсимлик. 35. Қримдаги оромгоҳ. 36. Чевар асбоби. 38. Ҳаракат йўналиши билан шимол томон йўналиши орасидаги бурчак. 39. Адоват кушандаси.

Ф. ОРИПОВ.

ГАЗЕТАНИНГ 11-СОНИДА ЭЪЛОН ҚИЛИНГАН ТОПҚИРЛИК МАШҚИНИНГ ЖАВОБЛАРИ:

ЭНИГА: 1. Жамшид. 4. Саёҳат. 10. Марказий. 11. Тегирмон. 13. Умид. 14. Коллоид. 15. Қази. 18. Бухоро. 19. Ободон. 20. Катализатор. 23. Хотима. 25. Зоолог. 28. «Урал». 29. Боботог. 30. Чили. 33. Трибунал. 34. Кинескоп. 35. Каолин. 36. Жайрон.

БУЙИГА: 1. Жамбул. 2. Маргимуш. 3. Ипак. 5. Айиқ. 6. Ҳамзатов. 7. Тандир. 8. Кимоно. 9. Мехико. 12. Иллюминатор. 16. «Болалик». 17. Соломон. 21. Могадишо. 22. Кошинкор. 24. Аломат. 25. Злотий. 26. Куртак. 27. Шийнон. 31. Сулн. 32. Вена.

ИНДИЙСКИЙ ГОРОСКОП

Деловая поездка, которую предпримут **КОЗЕРОГИ**, окажется успешной и принесет выгоду. Попытайтесь посетить места, где вы раньше не бывали. Вы с удивлением обнаружите новые возможности в регионах, которые традиционно не считались привлекательными для экспорта. Новое дело, которое будет начато на этой неделе, может в перспективе вырасти в крупное предприятие, которое будет приносить долговременную пользу. Вы можете получить из-за рубежа предложение о работе, от которого будет трудно отказаться.

ВОДОЛЕИ могут столкнуться с неожиданными трудностями в своей работе, вызванными тем, что вы не концентрировали на ней необходимое внимание. Примите самостоятельно важное решение, касающееся вашей работы, причем, не ставьте никого в известность о ваших дальнейших планах. Упорство и последовательность помогут вам выправить ситуацию. Проблемы с совместными проектами сохраняются. Пожалуй, вам следует прояснить свою позицию в отношении распределения финансовой нагрузки. Домашние заботы доставят вам огорчения.

Дела у **РЫБ** продолжают идти в гору и набирать обороты. Вы сможете очень удачно продать свой продукт или предложить свои идеи. Вы вступите в деловые отношения, возможно, с зарубежным партнером, и это принесет весьма большую выгоду с точки зрения как финансовой отдачи, так и признания. Некоторые из вас, вероятно, отправятся работать за границу. Личные отношения складываются счастливо, состоящие в браке будут ощущать полную гармонию и взаимопонимание.

Для **ОВНОВ** наступает отличное время приобретать собственность или делать вложения в недвижимость. Если вы занимаетесь медицинской или юридическими вопросами, вы можете получить вознаграждение от правительства. Вам предстоит принять важное решение относительно своей работы или места жительства. Служащие получат дополнительные льготы в виде служебной автомашины или дополнительных средств на расходы. Вас будет серьезно беспокоить плохое состояние здоровья вашей второй половины или старшего в семье. Ваши близкие чувствуют себя лишенными вашего внимания, поскольку вы слишком много занимаетесь работой и не уделяете времени личным делам.

ТЕЛЬЦАМ нужно максимально внимательно заниматься своими финансовыми делами. Вам следует также избегать переводов на имя посторонней персоны, даже если по этому поводу была достигнута ясная договоренность. Вполне возможно, что эта персона будет настойчиво добиваться какой-либо компенсации. Возможно также, что она сможет перехватить проект и оставить вас в убытках. Любые задержки или осложнения в работе должны служить для вас сигналом к неизбежным потерям. Постоянно оставайтесь начеку, поскольку под угрозой ваше финансовое положение или работа. Государственным служащим будет несколько легче.

БЛИЗНЕЦЫ получат возможность начать работать самостоятельно над престижным проектом. Его завершение откроет путь к продвижению в карьере и повышению заработков. Доступность финансирования может значительно ускорить продвижение вашей работы, что позволит завершить ее раньше установленного срока. Об артистах или тех, кто связан с искусством, станут много говорить, чтобы выполнить какую-то работу.

У РАКОВ могут возникнуть проблемы во взаимоотношениях с партнером или коллегой. Члену вашей семьи не по душе ваши связи с этим человеком, но вы находитесь под полным его влиянием. Возможно, причина заключается в том, что этому человеку удалось убедить вас, что вы нуждаетесь в постоянной помощи и наставлениях. Вы подвержены чужому влиянию, и это ясно демонстрирует ваша нынешняя зависимость. Если же этот человек будет еще и привязан к вам романтическими отношениями, тогда у вас нет никаких шансов вырваться из его объятий. Ваша способность осмыслить ситуацию затуманена, и вы не прислушаетесь к совету тех, кто действительно вас любит и о вас заботится.

ЛЬВЫ смогут удачно спланировать свою работу, что позволит выкроить время для домашних дел, семьи и других занятий. Работающие женщины могут подумать о том, чтобы бросить свою работу и просто стать домохозяйкой. Если они уже замужем, то могут подумать о том, что теперь пора обзавестись ребенком. Если все еще одиноки, им может быть сделано предложение о замужестве, возможно, через кого-то из родственников. Замужняя сестра или брат навестят вас, возможно, как раз для того, чтобы определиться со свадьбой.

ДЕВЫ должны остерегаться соблазна вступить в спекулятивные сделки или проекты, обещающие скорые прибыли. Вы вполне можете получить хорошие доходы благодаря проектам, которыми занимаетесь давно. Однако, если вы интересуетесь определенным товаром, смело инвестируйте какие-то средства. Те, чей бизнес связан с торговлей пищевыми маслами, зерном или с транспортными перевозками, получат на этой неделе прибыли. Семейная жизнь идет вполне складно. Ваша возлюбленная, вторая половина и родители могут сделать полезное предложение, касающееся семейных дел.

ВЕСЫ получат несколько новых предложений, касающихся работы. Вам следует выбрать то, которое больше соответствует вашему представлению о собственной квалификации и опыте. Может возникнуть потребность в поездке по делам в важный центр, что принесет выгоду. Не ограничивайтесь только работой, а воспользуйтесь этой возможностью, чтобы восстановить связи с деловыми партнерами. Возможно, позднее вам потребуется помощь одного из них. В плане общения это будет очень активный период, вам предстоит посещать много встреч, деловых обедов и коктейлей, где вы сможете обсудить новые деловые предложения или проекты совместных предприятий.

СКОРПИОНАМ следует поработать более активно, чтобы добиться успеха в совместном проекте. В ваших интересах делать все для того, чтобы это дело продвигалось, поскольку успех принесет большую финансовую отдачу. Если у вас идет юридическая тяжба, попытайтесь найти внесудебное решение, это будет в ваших интересах. Возможно, вы должны будете поработать над заданием, которое должны были завершить в этом месяце, особенно потому, что вы собираетесь вскоре взять отпуск. Находящиеся в браке будут скандалить со своей второй половиной, которой может не нравиться то, что вы так много времени уделяете работе.

В повседневной работе у **СТРЕЛЬЦОВ** дела продвигаются в нужном направлении. Возможно, вы получите новое предложение от того, кто проживает за рубежом. Только вы обладаете необходимым опытом и знаниями, чтобы справиться с этой задачей. Это предложение принесет хорошие доходы. Молодые, стремящиеся на учебу или работу за рубеж, получат вскоре нужное им предложение. Ваша любовь продолжает вас согревать и приносить ощущение эмоциональной защищенности.

Этот пестрый мир

КУЛЬТПОХОД ПО КОТЛОВАНАМ

Туристические фирмы Берлина организовали тур по строительным площадкам города. Доверчивым туристам показывают котлованы с зеленоватыми лужами на дне. Берлин превратился сейчас в гигантскую стройплощадку, так что шустрым фирмам пока банкротство не грозит. Авторы идеи культпохода по котлованам признают, что поначалу их подняли на смех. Однако деньги потекли рекой, и смешки стихли. Кто же их поймет, этих туристов?

ИККИНЧИ ДАВЛАТ ТИЛИ

Япония бош вазири Кэйдзо Обути ҳузурида ташкил этилган махсус маслаҳат комиссияси инглиз тилини мамлакатда иккинчи давлат тили, деб эълон қилишни таклиф этди. Таркибида олимлар, журналистлар ва маданият ходимлари бўлган ушбу комиссиянинг олдига қўйилган асосий вазифаси Япония тараққиётининг XXI асрдаги устувор йўналишларини аниқлашдан иборат эди.

Комиссия аъзоларининг фикрича, мамлакатда инглиз тилини ўрганиш тизимини ишлаб чиқиш ҳақида жиддий бош қотириш вақти етди. Бунда Японияннинг жаҳон ҳамжамиятидаги ўрнини мустаҳкамлаш масаласини ечиш мушкул, деб ҳисобламоқда улар.

По материалам печати.

БОШ МУҲАРРИР
подполковник
И.Қ. АБДУКАРИМОВ

АДРЕС РЕДАКЦИИ:
г. Ташкент, 700031
ул. Д.Кунаева, 21

Заместитель главного редактора — 56-17-93; ответственный секретарь — 56-04-60. Отделы: военной службы и воспитательной работы — 69-45-55; по связям с государственными и общественными организациями — 56-02-49; массовой работы и спорта — 56-08-72; культуры и организации досуга — 56-03-48; социологии и рекламы — 56-54-76; подписки — 56-03-46; заказов — 56-18-44. Начальник издательства — 56-04-90; дежурный — 56-09-81; бухгалтерия — 56-03-62.

Письма, рукописи, фотографии и рисунки не рецензируются и не возвращаются.

Позиция редакции может не совпадать с точкой зрения авторов публикуемых материалов.

Типография газеты «Ватанпарвар».

Газета зарегистрирована в Государственном комитете Республики Узбекистан по печати. Рег. № 00050. Заказ № 041.